

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!
Муҳтарам деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа хо-
димлари!

Бугунги кунга айём – Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун муносабати билан сизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Саховатли заминимизда гўзал ҳосил байрами нишонланаётган шу файзли дамларда янги Ўзбекистон равнақи ва аҳоли фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, қадоқ қўли ва фидойи қалби билан элимизнинг ризқ-насибасини яратаётган, ўз ишининг устаси бўлган моҳир деҳқон ва фермерлар, боғбонлар, чорвадор ва пиллакорлар, сувчилар ва ирригаторлар, агроном ва механизаторлар, агрокластерларнинг раҳбарлари ва ишчи-ходимлари, деҳқон хўжалиги раҳбарлари, соҳанинг жонкуяр олимлари ҳамда мутахассисларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!
Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга ошираётган туб ислохотларимиз тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириб, мамлакатимизда қулай агробизнес муҳитини яратиш, бу борада инвестициявий жозибадорликни ошириш, соҳани сановатлаштириш масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Ўз навбатида, омилкор деҳқон ва фермерларимиз энг сўнгги илм-фан ютуқларини пухта ўрганган ҳолда, тўп йиллик бой билим ва тажрибалари билан соҳа тараққиёти учун азму шижоат кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳаммамизга аёнки, деҳқончилик ер юзидаги энг шарафли, айна вақтда машаққатли касблардан биридир. Юртимиз қишлоқ хўжалик соҳаси бу йил ҳам турли қийинчиликларга дуч келганига барчамиз гувоҳимиз.

Аввало, дунё миқёсида давом этаётган панде-

мия таъсири, қолаверса, баҳорда ёнғинчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурсларининг ҳар йилгидан сезиларли даражада танқислиги деҳқонларимизнинг ирода ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Лекин мавжуд муаммоларга қарамасдан, барча тармоқларда мўл ҳосил етиштириб, аввалги йилларга нисбатан юқори марраларга эришганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Бу йил республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани йил бўйи туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг муносиб самарасидир.

Бу ҳақда гапирганда, ғалланинг ҳар гектаридан 95-100 центнердан ҳосил олган Марҳамат туманидаги "Сотволдиев Ҳошимжон", Бувайда туманидаги "Испомжон Шуқрулло", Оҳангарон туманидаги "Нажмиддин Фахриддин файз", Дўстлик туманидаги "Фарҳод", Ромитан туманидаги "Кўҳна Бухоро", Қарши туманидаги "Мўл ҳосил сифат", Риштон туманидаги "Моҳинур файзли гавахари", Қумқўрғон туманидаги "Падаган", Элликқалъа туманидаги "Сахтиён Азамати", Тўрақўрғон туманидаги "Шоҳида бургути" каби фермер хўжалиқларининг номларини мамнуният билан эътироф этамиз.

Аграр соҳанинг яна бир муҳим тармоғи – пахтачиликда олиб борилаётган ислохотлар натижасида жорий мавсумда ўтган йилга нисбатан 422 минг тонна кўп пахта хом ашёси етиштирилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 6,3 центнерга ошгани айниқса эътиборлидир.

Бундай улкан хирмонни яратишга салмоқли ҳисса қўшган Қумқўрғон туманидаги "Термиз Жайхун", Дўст-

лик туманидаги "Санзор-текстиль", Зафаробод туманидаги "Жиззах кентекс", Боевут туманидаги "Боевут текстиль кластер", Қорақўл туманидаги "Қорақўл қумуш калава", Ғиждувон туманидаги "Бухоро агро кластер", Тўрақўрғон туманидаги "Наманган тўқимачи кластер", Пахтачи туманидаги "Пахтачи кластер", Оққўрғон туманидаги "Оққўрғон агро кластер", Янгиерик туманидаги "Янгиерик текс", Боғот туманидаги "Коботекс" каби пахта-тўқимачилик кластерлари, шунингдек, Жарқўрғон туманидаги "Хушбоқ бобо", Шароф Рашидов туманидаги "Норқозоқ ота", Юқори Чирчиқ туманидаги "Тангирберди ота", Қўрғонтепа туманидаги "Савай кўрки", Пешку туманидаги "Варахшо нурли замини", Беруний туманидаги "Раҳматулла Чаман" фермер хўжалиқлари ҳаммага намуна бўлганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Қадрли юртдошлар!
Бугунги кунга рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам янгиликлар ёндашув, инновациялар ва илғор ишланмаларни, интенсив ва ресурс тежайдиган технологияларни изчил татбиқ этишни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Кейинги пайтда бутун дунёда бўлгани каби минтақамизда ҳам юз бераётган иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани, экологик муаммолар соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда.

Ана шу омиллари ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор масалаларда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда чекланган сув захираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, "яшил энергетика" ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Бундай долзарб глобал муаммоларни ечиш учун инвестициялар ва илмий тадқиқотлар кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ишланмаларни амалиётда қўллашга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалалари устувор аҳамият касб этади.

Республикада инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, олий таълим муассасалари фаолият йўналишларини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро нуфузини ошириш, самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети (кейинги ўринларда – Университет) деб қайта номлансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

гидроэнергетика, ирригация тизимларини бошқариш, сув хўжалиги объектлари қурилиши, кадастр ва геоинформатика, "яшил иқтисодиёт", "яшил энергетика", экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, рақамли технологиялар тармоқлари учун олий маълумотли

муҳандис кадрларни тайёрлаш; суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш, тежамкор суғориш технологияларини яратиш, рақамли қишлоқ хўжалиги ва геоахборот тизимлари асосида ерларнинг мелiorатив ҳолатини баҳолашни йўлга қўйиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш;

замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансферини бўйича самарали тизимни шакллантириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқиш;

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун энг илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш;

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА УЗЛУКСИЗ ТИЗИМ ЯРАТИЛГАН

Тошкентда 10-11 декабрь кунлари

"Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим: халқаро тажриба ва миллий амалиёт" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан ташкил этилган нуфузли анжуманда Инсон ҳуқуқи соҳасидаги Миллий таълим дастури лойиҳаси тақдим этилиб, мазкур йўналиш истиқболли кўриб чиқилди. Экспертлар томонидан таълим консорциумини яратиш бўйича миллий амалиёт ва бу борадаги хорижий тажриба атрофлича таҳлил қилинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги Академиялари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Тошкент давлат юридик университети раҳбарлари, профессор-ўқитувчиларининг мавзуга оид мулоҳазалари тингланди.

Қозон университети юридик факультети, "Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш" магистрик дастурини амалга оширувчи Россия Федерацияси университети консорциуми аъзолари ҳамда Раул Валленберг номидagi Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ институтининг Европа идораси (RWI) директори билдирган фикрлар ҳам иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Анжуман дастурига мувофиқ "Ёшларнинг инсон ҳуқуқи масаласи бўйича хабардорлигини ошириш", "Инсон ҳуқуқи соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш" ҳамда "Фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқи бўйича таълим соҳасидаги фаоллигини ошириш" мавзуларида кичик шўъба йиғилишлари ташкил этилди.

Муҳокамаларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Адвокатлар палатаси, Ногиронлар ассоциацияси, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази мутахассислари, шунингдек, халқаро ҳамкорлар – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси, Парламентларо Иттифоқ, Буюк Британия Жамоатчилик палатаси экспертлари фаол қатнашди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ёшларнинг инсон ҳуқуқи оид хабардорлигини ошириш бўйича ёндашувни мукамаллаштириш, айна йўналишдаги илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳавий таълим тизимида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференция доирасида "Режадан амалий ишга ўтиш босқичлари" номи инсон ҳуқуқи бўйича тренинг методологиясига оид қўлланма тақдими ҳам бўлиб ўтди. Янги нашр БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиёдаги Минтақавий ваколатхонаси томонидан ўзбек ва рус тилида чоп этилган.

Анжуман якунида "Рақамли авлод. COVID-19 пандемияси даврида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим" мавзусида ёшлар ўртасида ўтказилган республика кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири.



Анжуманга биноан Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун муносабати билан бу йил ҳам аграр секторни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган соҳа вакиллари эътироф этилди. Ўтган йил натижаларига кўра Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг марказий аппарати, вилоят бошқармалари ва ҳудудий бўлиmlари ҳамда кўйи ташкилотлари – илмий-тадқиқот институтлари, марказлар, аграр университетлар ва давлат унитар корхоналарининг 231 нафар ходими кўрак нишони ва мукофотлар билан тақдирланди. Бундан ташқари, йил мобайнида қишлоқ хўжалиги ривожига ўз хиссасини қўшган республика миқёсидаги қатор ташкилотлар - Президент Администрацияси, Олий Мажлис Сенати, Сув хўжалиги вазирлиги, "Аэробанк" АТБ, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, "Ўзбекизоққовқатзахира" уюшмаси, Фанлар Академияси ходимлари ҳам мукофотланди.

ЕРИ - ЗАР, ДЕҲҚОНИ - ЗАРГАР



Худди шундай она замин ҳақидаги кўп қишлоқ хўжалиги умрини эл-юрт ранақи, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини йўлида бахшида этаётган падарибузрукворим Ботирали Ҳақимовдан эшитганман ва шундай якуний ҳулосага келганман: ер – тирик мавжудот. У ўзига нисбатан қилинаётган яхши ва ёмон амалларни ҳис этиб туради. Нафас олади, ҳаракатда бўлади, меҳр, парваршингиздан роҳатланади. Унинг юзини очсангиз, сара уруғлар сочсангиз, ўғит, "шарбат" берсангиз, обиҳаётга қондирсангиз, энг асосийси, алдамасангиз йиллаб бағрида сақлаб ётган барокатли хазинасини тўхта этади. Буни жорий йилда Наманган заминидан эришилаётган ютуқ ва натижаларда ҳам кўриш мумкин. Биламизки, деҳқончиликнинг илк ҳосили пилла ҳисобланади. Агар у ўз вақтида парвариш қилинса, хирмон тўла "қумуш тола"га айланади. Жорий йилда ҳам ушбу соҳада мардонвор меҳнат қилган вилоят пиллакорлари яна бир доворни забт этди. Парваришланган 32001 қути курт уруғининг ҳар қутисидан 62 килограммдан ҳосил етиштириб, 1950 тонналик хирмонни яратишга муваффақ бўлди.

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

(Боши 1-саҳифада)

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмлари асосланган, бошқарувнинг мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилаётгани амалда ўзини тўла оқламакда. Ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг кафолатли даромад манбаига айланган бормоқда.

Хозирги вақтда юртимизда барча йўналишларда 651 та агрокластер фаолият юритиб, пахта ва галланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоиздан ортиғи айнан ана шундай корхоналар улушига тўғри келмоқда.

Агрокластерлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳани саноатлаштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировардида четга хом ашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби асосий вазифаларни самарали амалга оширмоқда.

Натижада биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш кўрсаткичи 2,5 бараварга ошди. Ҳосилнинг 100 фоизи мамлакатимизда қайта ишлангани туфайли ип-калава ишлаб чиқариш 2 бараварга, тайёр маҳсулот ҳажми 3 бараварга ортди. Бу борадаги йиллик экспорт миқдори қарийб 3 миллиард долларни ташкил қилди.

Ер қадрини билладиган, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ноёб тажриба мактаби яратган кластер раҳбарлари, фермер ва деҳқонларимиз, шунингдек, мева-сабзавот, шולי, доривор гиёҳлар етиштириш, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларни кўлга киритиб келаётгани фойда аҳамиятлидир.

Хурматли соҳа вакиллари! Сизларга маълумки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, оборотдан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2020-2021 йилларда 369 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди. Сув тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, янги иссиқхоналар ташкил этиш, озик-овқат маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, биргина 2021 йилнинг ўзида 797 гектар майдонда қиймати 2,3 триллион сўмлик 398 та замонавий иссиқхона ишга туширилди, 11 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Буларнинг барчаси ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, экспорт имкониятларини кенгайтириб, қишлоқ жойларида кўркам ва қулай бўлган савдо, логистика марказлари ва қайта ишлаш

корхоналарини ривожлантирмоқда. Хорижий мамлакатлар бозорларига янги истиқболли йўналишлар очилиб, қарийб 1,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 65 та давлатга экспорт қилинди.

Бу ўринда, экспорт кўрсаткичларида ўтган йилга нисбатан дулкунли маҳсулотлар 122 фоизга, узум маҳсулотлари 142 фоизга, сабзавотлар 103 фоизга ҳамда ёнғоқ маҳсулотлари 1,8 бараварга ўсганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни пайтда, янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизмлари тамойилларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари диққатимиз марказида бўлиши лозим. Ана шу талаб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда, соҳада кенг қўлланма ислохотларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Жумладан, маҳсулот етиштириш таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, ер унумдорлигини ошириш, деҳқон ва фермерлар даромадини камийта 2 бараварга кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, агросаноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ўстириш, чорвачилик тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш тизимига ўтиш келгусида ўзининг ижобий самарасини кўрсатади, албатта.

Олдимизда турган бундай масъулятни вазифаларни бажаришда барчангаз елкама-елка туриб, бир тану бир жон бўлиб, бор-малака ва тажрибангизни, куч-гайрат ва салоҳиятигизни сафарбар этишингизга ишонаман.

Муҳтарам дўстларим, кадрдорларим! Мир Алишер Навоий ҳазратларининг бободехқонларни улуғлаб, улар ерга оғуф сочиб, эл-юрт учун ризқ йўлини очадилар, деб айтган сўзларида теран ҳаётий маъно борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Сизларни ушбу файзли ва шуқуҳли айём билан яна бир бор табриклаб, барчангазга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилаяман.

Кириб келаётган янги – 2022 йилда ҳосилимиз янада мўл бўлсин! Халқимиз, элимиз дастурхонидан тўкин-сочинлик ҳеч қачон аримасин!

Умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, танти ва бағрикенг, яратувчан ва она заминини севиб ардоқлайдиган азизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИЖОДГА ИЛК ҚАДАМЛАР

Мамлакатимиз бўйлаб ижодкорларнинг, хусусан, ёзувчи ва шоирларнинг ўрта таълим масканларига тарғибот-ташкilotчилик ишига жалб этилиши ўз самарасини бермоқда. Бизнинг мактабимизга таниқли шоира Дилором Исмоилова шу вазифада иш бошлаганидан буён ўқувчиларнинг ижодий қизиқишлари яна ортди.

Бугунги кунда мактабимиз ўқувчиларининг нафақат адабий-бадиий асарларни ўқиб, ўрганишга қизиқиши ортди, балки ўзлари ижод намуналари билан турли тадбирларда широк эътиборни қувонарли ҳол. Мактабимизда бўлиб ўтадиган ҳар бир тадбир уларнинг иштироки билан янада мазмунли бўлмоқда. Бунга жавобан мактабимиз раҳбарияти ҳам уларга етарли даражада шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда бундай қизиқишли ўқувчиларимиз даврасида мамлакатимизнинг нуфўзли нашрларидан саналган "Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий ходимлари меҳмон бўлишди. Таҳририят ходимлари ижодга қизиққан ёшларга илк ижод йўли қандай бўлиши ҳақида тасаввур берган бўлса, ўқувчилар ўз ижод намуналарини ўқиб бериб, ўз иқтидорларини илк синовдан ўтказдилар. Айниқса, бу мулоқотнинг мамлакатимиз Давлат маҳфияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги нишонланаётган кунда бўлиб ўтганлиги тадбирнинг моҳиятини янада оширди.



Ўқувчиларимиз даврасида мамлакатимизнинг нуфўзли нашрларидан саналган "Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий ходимлари меҳмон бўлишди.

а) академик мустақиллик соҳасида: **Ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш,** таълим

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

(Боши 1-саҳифада)

тасарруфидоги ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Белгилансинки, Университет гидро-энергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи сугориш технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, геодезия ва геоинформатика, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда – Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (С.У.Умурзаков): а) куйидаги вазифалар юклатилсин: Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режасини, узок ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;

қишлоқ ва сув хўжалиги технологиялари йўналишида таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорликни ўрнаттиш;

илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш, стартап ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) куйидаги ваколатлар берилсин: иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисларини очиш, шунингдек, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

Университет ва унинг тасарруфидоги таълим ташкилотлари тузилмаларини тасдиқлаш;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмаган янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини жорий этиш.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Университетда Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Трансформация офиси куйидагилар учун масъул этиб белгилансин: Университетни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда 2025 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингини биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғибот тадбирларини ўтказиш ва реклама қилиш;

Университетдаги турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашда қўғоз шаклдан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва хужжатлар айланмасини рақамлаштирувчи "Рақамли Университет" платформасига тўлиқ ўтишни таъминлаш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

5. Университетга 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб куйидаги ваколатлар берилсин: а) академик мустақиллик соҳасида: **Ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш,** таълим

тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш;

тегишли ихтисосликларда илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ҳамда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвон ва илмий даражаларни тан олиш, шунингдек, докторант ва мустақил ишланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун таълим давомийлиги мuddатларини белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда талабгорларни қабул қилиш;

магистратура босқичида таълимнинг сиртки, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар ҳамда касбий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан ички академик мобилликни амалга ошириш; Университет ва унинг тасарруфидоги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш;

б) ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида: фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибини белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқишни ташкил этиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар Университет томонидан мустақил равишда қўнучилик хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Университетни 2022 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Бунда, Университетга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари учун берилган барча ваколат ва ҳуқуқлар татбиқ этилади.

7. Куйидагилар: 2025 йилга қадар "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетини трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастури 2-иловага мувофиқ.

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетининг халқаро нуфузини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага мувофиқ;

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети мутахассислик кафедраларини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларга бириктириш жадвали 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг куйидаги тақлифлари маъқуллансин:

Университет хузурида юридик шахс мақомига эга **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти**ни ташкил этиш;

Университетнинг Бухоро филиали негизида **Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти**ни ташкил этиш; Университетнинг Қарши филиали негизида **Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти**ни ташкил этиш.

9. Белгилансинки: **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти**нинг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Университет хузурида фаолият юритади;

Университетнинг Бухоро ва Қарши филиаллари талабалари таҳсил олаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни мос равишда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида давом эттиради;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти тааллуқлиги бўйича Университетнинг Бухоро ва Қарши филиалларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда филиалларнинг мол-мулки ва бошқа асосий воситалари тегишли равишда янги ташкил этилаётган институтларга ўтказилади.

10. **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти** тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

минтақада мавжуд сув ресурсларини инобатга олган ҳолда хуудлар кесимида сувдан фойдаланиш бўйича ўрта ва узок мuddатга мўлжалланган тадқиқотлар ўтказиш;

геоахборот технологиялари асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, **туپроқ унумдорлигини оширишнинг янги усуллари**ни яратиш;

сувнинг интеллект ва "ақлли технологиялар" бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий туپроқ, экин ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларига мослаштирилган агротехнологиялар яратиш;

ўсимликлар ва уларнинг пашаш муҳитини, ўсимликлар таркибидаги озуқа моддаларининг оптимал даражасини, туپроқнинг макро ва микро элементларини физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш;

"яшил иқтисодиёт", қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда **ресурс-тежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш;**

электроника, мехатроника ва робототехника йўналишидаги амалий тадқиқотларни ривожлантириш, касмик аппаратлар маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

физика йўналишлари бўйича фундаментал муаммоларни ўрганиш, экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг янги моделлари ва усуллари ишлаб чиқиш;

11. **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, "А" бинога жойлаштирилсин.

Белгилансинки, **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти** биносини жорий таъмирлаш, унга туташ хуудани ободонлаштириш, хизмат хоналарини мебель, компьютер, ташкилий техника ва инвентар билан жиҳозлаш Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Сув хўжалиги вазирлигини маъмурий бино билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. **Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси** ташкил этиб куйидагилар белгилансин: ирригация ва мелиорация объектиларини куриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тузиладиган шартномалар асосида илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратилмаган маблағларнинг 5 фоизига бўлган қисми;

иктисодиёт тармоқларида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида

амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ўзаро келишув асосида таълим, кадрлар тайёрлаш, тадқиқот ва технологиялар трансферини ривожлантириш компонентлари маблағлари;

хорижий инвесторлар билан инвестиция келишувларида назарда тутилган илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ, сув хўжалиги ва бошқа йўналишларида жалб этиладиган донор ташкилотларнинг грант маблағлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик маблағлари ҳамда қўнучилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бошқарув кенгашига Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилаш ваколати берилсин.

13. Бошқарув кенгаши (С.У.Умурзаков):

а) **икки ой мuddатда:** Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низомини тасдиқласин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида замонавий таълим йўналишларини инобатга олган ҳолда, уларни қайтадан ташкил этсин;

Университетнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича йирик хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

Университет раҳбарияти, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий қилсин;

б) Университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингини биринчи 1000 талик рўйхатига киритиш бўйича мақсадли параметрларга эришишни устидан доимий назорат ўрнатсин;

в) ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб қилиш ҳамда Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ошириш чораларини кўрсин;

г) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб сув хўжалиги объекти курилиши, гидроэнергетика, "ақлли" қишлоқ хўжалиги технологиялари ва геоинформатика каби йўналишлар бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ҳамда кенг қўлланма фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш чорасини кўрсин;

д) 2023/2024 ўқув йилига қадар Университет хузурида янги синув лабораториясини ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги технопаркинни ташкил этсин ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминласин.

14. Куйидагилар: 2022-2023 йилларда **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти** илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури 6-иловага мувофиқ;

2022-2024 йилларда "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетида амалга ошириладиган курилиш ҳамда ўқув-лабораториялар моддий-техника базасини модернизация қилиш дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда қўнучилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Наманганлик деҳқонларнинг меҳнат ғалабаси

(Боши 1-саҳифада)

Ғалладан мўл-кўл ҳосил етиштириш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳам яхши натижа берди. Уруғни текис ундириб олиш, чилла сувига қондириш, вақтида ўғитлаш, "шарбат" оқизиш, бегона ўт ва зараркундаларга қарши курашиш, ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўриш ва ҳосилни тез, сифатли ўриб олиш сингари барча жараёнлар оби-тобида амалга оширилди. Кунига 264 та конбайндан 15 минг тоннадан ошириб ғалла тўкилди. Мавжуд 67 минг 750 гектар майдондаги ғаллазорнинг ҳар гектаридан 67 центнердан ҳосил етиштирилди. Давлат омборларига 185 минг 978 тонна дон топширилди. Кластер ва фермер хўжаликлари тасарруфида ҳам ҳар йилгидан-да кўпроқ ғалла қолди. Эришилган ютуққа айниқса, Поп, Чуст, Турақўрғон, Наманган, Норин, Мигнбулоқ, Чортоқ, Учқўрғон туманлари катта ҳисса қўшди. Мавжуд фермер хўжалиklarining тенг ярмида 60-80 центнерлик натижага эришилди. Вилоятимизда 57093 гектар ғалладан бўшаган майдоннинг 12 606 гектари 75 654 нафар "темир дафтар", "ёшлар дафтари", "аёллар дафтари" да рўйхатда турган ҳамда деҳқончилик қилиш мақсадида мурожаат этган, иш билан банд бўлмаган фуқароларга ажратиб берилди. Ҳисоб-китобларга кўра ушбу майдонларда деҳқончилик қилган оилалар йил якунида жами 1,9 трлн. сўм даромад олди. Жорий йилда 4 769 гектарга сабзавот, 1 002 гектарга полиз, 2 261 гектарга картошка, 4 400 гектарга мойли, 38 904 гектарга дуққа, 10 500 гектарга озуқа экинлари ва 1 195 гектарга шоли экилиб, жами 559 минг 784 тоннадан ошириб маҳсулот етиштирилди. Етиштирилган маҳсулотнинг 61 минг тоннага яқин



ЕРИ - ЗАР, ДЕҲҚОНИ - ЗАРГАР

ни экспортга, 8 764 тоннаси қайта ишлаш корхоналарига, 11 065 тоннаси захирага, 3 896 тоннаси уруғлик учун, 4 139 тоннаси ярмаркаларга ва 130 минг 607 тоннаси бозор ва ички истеъмолга йўналтирилди. Миришкор пахтакорларимиз ҳам кўзланган натижага эришиш йўлида астойдил меҳнат қилди. 1195 та фермер хўжаликлари ва 7 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан парваришланган 63 минг 406 гектар майдондаги ғўза-

дан 216 минг тонна пахта хомашёси етиштирилди. Асосий майдонларга "Андижон-35", "Наманган-34", "С-6524", "Бухоро-102" ва янги истиқболли навлар уруғи экилди. Ғўза парваришида эълон қилинган "Зарбдор 30 кунлик" да культивация, чуқур чизеллаш, озиклантириш, сугориш тadbirlari сифатли амалга оширилди. Далаларга меъёрдаги трихограмма, оптинкўз, бракон биомасхулотлари, феромон тутқичлар қўйилди. Биостимуля-

тор, ғўзанинг нормал ўсишини таъминловчи моддалар билан ишлов берилди. 163 та отрядга бириктирилган 1331 та культиватор ва 469 та чуқур юмшатиқларнинг узлуксиз ишлаши таъминланди. 121 та "механизаторлар уй"лари фаолияти кластер корхоналари томонидан тизимли йўлга қўйилди. Иш ҳақи вақти-



да берилиши доимий назоратга олинди. Провардида далаларда режани қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим ишларига тажрибали деҳқонлар маслаҳатига амал қилган ҳолда қилинди. Миқдор учун эмас, сифат, самарадорликка алоҳида эътибор қаратилди. Натижада қабул пунктларига толадор, юқори даромад берадиган ҳосилни топширишга муваффақ бўлди.

Бободехқонлар таъбири билан айтганда, бугун жўжани кузда санайдиган, йилнинг ҳисоб-китобини қиладиган, келгуси йилга мукамал режалар тузадиган палла. Шунинг учун ҳам вилоятимизнинг барча туман, маҳаллаларига келган киши улкан бунёдкорлик ишларининг устидан чиқиши табиий. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Яшил макон"лар яратиш қизғин жараён касб этган. Иссиқхоналар, янги боғлар, органик ҳудудлар, "гулчилик кластерлари" ташкил этиш, "тўқсонбости" экинлар экиш, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш каби юмушлар авжида. Бир гап билан айтганда, сўзида устувор, пок ниятли наманганликлар қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни байрамини барча йўналишларда арзигулик ютуқлар билан нишонламоқда. Фурсатдан фойдаланиб, республикамиздаги барча қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермеру деҳқонларимизни касб байрамлари билан қизғин муборакбод этаман ва вилоятимизда ўтадиган байрам тadbiri, улоқ-кўпқари мусобақасига таклиф қилиб қоламан.

Анваржон ҲАКИМОВ, Наманган вилояти ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари.

ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ ОРОЛБЎЙИДА МАСЛАҲАТ СЕССИЯЛАРИНИ ЎТКАЗДИ

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Марко Мантованелли бошчилигидаги Жаҳон банки делегацияси Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Нукус шаҳрида Жаҳон банки делегацияси вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, давлат ташкилотлари вакиллари иштирокидаги ўтказилган маслаҳат сессияларида Хоразм вилоятидан ҳам вакиллар видеоқонференцалоқа тарзида қатнашди.

Тadbirда делегация вакиллари томонидан Ўзбекистонда, шу жумладан, Оролбўйи минтақасида Жаҳон банки томонидан амалга оширилган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Тadbirда таъкидланганидек, айти пайтда Жаҳон банки ҳукуматга 24 та лойиҳани амалга оширишда молиявий кўмак ва техник ёрдам кўрсатмоқда. Улар макроиқтисодий ислохотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, сув таъминоти, энергетика, транспорт, ижтимоий ҳимоя тизимлари, шаҳар ва қишлоқ инфра-тузилмасини ривожлантириш, шунингдек, COVID-19 фуқаролар ва иқтисодиётга таъсирини юмшатишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Асосий мақсадимиз янги амалга ошириладиган лойиҳалар



бўйича ҳудудлардан таклифлар эшитиш ва муҳокама этишдан эборат, — дейди Марко Мантованелли. — Хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш йўналишида муҳокама олиб бормоқчимиз. Боиси, ҳозирда Жаҳон банки Ўзбекистон билан янги ҳамкорлик дастурини тасдиқлаш арафасида турибди. Ушбу ҳамкорлик дастурини биз нафақат молиявий ёрдам кўришида, балки билим алмашинув ва техник кўмак кўрсатиш бўйича чора-тadbirlarни ҳам амалга оширамиз. Бунинг учун биз жойларда маслаҳатлашувлар ўтказиб, мавжуд муаммолар

ва эҳтиёжларни ўрганмоқдамиз. Шу орқали қайси лойиҳаларни амалга ошириш устувор аҳамият касб этишига аниқлик киритиб олмақдамиз. Бугунги маслаҳат сессиясида ҳам қишлоқ хўжалиги учун сув таъминотини яхшилаш, ичимлик суви ва оқова сув борасида лойиҳаларни давом эттириш, кўламни кенгайтириш бўйича бир неча таклифлар билдирилди. Мазкур устувор масалаларни Тошкент шаҳрида ўтказиладиган муҳокамаларда илгари сурамиз ва келгуси йил тасдиқланадиган дастурга киритишга ҳаракат қиламиз.

Тadbirда Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Инвестиция ва ташқи савдо вазири Б.Ҳабибуллаев Оролбўйи ҳудудини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар бўйича таклифларини билдирди.

Шунингдек, маслаҳат сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Д.Усаков ҳам сўз олиб, Жаҳон банки иштирокида "Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш" лойиҳаси амалга оширилаётганини ҳамда лойиҳа якунида 3 та туманда сув таъминоти яхшиланишини, қолаверса, бир неча насос станциялари фаолияти, насос агрегатлари тўхтатилиши натижасида кўп миқдорда электр энергия ва фойдаланиш харажатлари иқтисод қилинишини таъкидлаб ўтди. Шу нуктага назарда мазкур йўналишдаги лойиҳани давом эттириш, Қорақалпоғистоннинг шимолӣ туманларидаги магистрал каналларни реконструкция қилиш борасидаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида таклиф билдирди.

Делегация вакиллари томонидан "Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида, суд тизimini белгилаб беради. Конституция бarcha joriy qonunlarning asosi hisoblanadi. Конституциямизнинг қабул қилиниши тарихи, mazmun-mohiyati va fuqarolar hayotidagi ahamiyati "Inson va uning qadr qimmat" degan ulug' tushunchani tashkil etganligi bilan ahamiyatlidir. Xalqimizning farovon hayot kechirishi uchun munosib sharoit yaratish Konstitutsiyamizning bosh maqsadidir. Erk va huquqimiz kafolati bo'lgan konstitutsiyamizni qabul qilganligining bu yil 29 yilligini nishonladik. O'tgan davr mobaynida Qomusimizda mustahkamlab qo'yilgan xalqimizning orzu umidlari, bugungi va kelajak manfaatlariga javob beradigan ustuvor tamoyillari naqadar to'g'ri ekanligi amalda isbotlandi. Asosiy Qonunimiz negizida yaratilgan "Harakatlar strategiyasi" vatani-

Ғайрат ОТАЖОНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби.

KONSTITUTSIYA – HUQUQIY DEMOKRATIK DAVLAT BARPO ETISHNING ENG MUHIM MEZONI

Har bir millatning, davlatning taraqqiyoti bevosita amaldagi qonunlar bilan belgilanadi. Qonun ustuvor yurtda adolat hukm surib, vijdon erkinligi, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik ta'minlanadi. Asosiy Qonunimizda uch ming yillik milliy davlatchilik hamda dunyo qonunchilik tajribasi, xalqaro inson huquqlari mezonlari mujassamlashgan. Unda davlat xalqning irodasini ifoda etishi, uning manfaatlariga xizmat qilishi, davlat muassasalari va mansabdor shaxslarning jamiyat va fuqarolar oldida mas'ulligi belgilab qo'yilgan.

Bosh qomus davlatni davlat, millatni millat qiladigan hujjatdir. Asosiy qonunimiz bilan barcha fuqarolar zimmasiga Konstitutsiya va qonunlarga amal qilish, boshqalarning huquqlari, erkinliklari, sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilish majburiyati yuklatilgan.

Konstitutsiya – davlatning asosiy qonuni. U davlat tuzilishini, hokimiyat va boshqaruv organlari tizimini, ularning vakolati hamda shakllantirish tartibi, saylov tizimi, fuqarolarning huquq va erkinliklari, shuningdek, sud tizimini belgilab beraadi. Konstitutsiya barcha joriy qonunlarning asosi hisoblanadi. Konstitutsiyamizning qabul qilinishi tarixi, mazmun-mohiyati va fuqarolar hayotidagi ahamiyati "Inson va uning qadr qimmat" degan ulug' tushunchani tashkil etganligi bilan ahamiyatlidir. Xalqimizning farovon hayot kechirishi uchun munosib sharoit yaratish Konstitutsiyamizning bosh maqsadidir. Erk va huquqimiz kafolati bo'lgan konstitutsiyamizni qabul qilganligining bu yil 29 yilligini nishonladik. O'tgan davr mobaynida Qomusimizda mustahkamlab qo'yilgan xalqimizning orzu umidlari, bugungi va kelajak manfaatlariga javob beradigan ustuvor tamoyillari naqadar to'g'ri ekanligi amalda isbotlandi. Asosiy Qonunimiz negizida yaratilgan "Harakatlar strategiyasi" vatani-

onalar o'z farzandlarini voyaga yetgunlariga qadar boqish va tarbiyalashga majburdir. Davlat va jamiyat yetim bolalarni va ota-onalarning vasiyligidan mahrum bo'lgan bolalarni boqish, tarbiyalash va o'qitishni ta'minlaydi, bolalarga bag'ishlangan xayriya faoliyatlarini rag'batlantiradi" deb belgilab qo'yilganligi ota-onalarga jamiyatimizga sog'lom, tarbiyali, vatanparvar farzandlarni tarbiyalash mas'uliyatini yuklaydi. Bosh Qomusimizning har bir moddasi barchamiz uchun dasturlam bo'lib, hayotimiz qoidasiga aylanishi zarur. Buning uchun Asosiy Qonunimizni ta'lim sohasida, mahalla va mehnat jamoalarida tizimli ravishda o'rganish va o'rgatishni yo'lga qo'yishimiz kerak. Biz jamiyatimizda shunday huquqiy madaniyatni shakllantirishimiz kerakki, unga muvofiq Konstitutsiya va qonunlarga amal qilish, boshqalarning huquq va erkinliklari, sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilish majburiyat emas, balki kundalik qoida va odatga aylanishi shart. Yaxshi yashash uchun eng avvalo yaxshi mehnat qilish, huquq va erkinlik bilan birga, javobgarlik va mas'uliyatni ham chuqur his etishimiz zarur, bunga erishish esa faqat va faqat o'zimizga bog'liq. Davlatimiz rahbari ta'bir bilan aytganda, ko'zlagan maqsadlarga erishib, oldimizga qo'yilgan vazifalarning to'liq uddasidan chiqishimiz uchun fuqarolarning islohotlarga nisbatan daxldorlik hissini shakllantirishimiz kerak. Zero, bilim avlod buyuk kelajakning, tadbirkor xalq farovon hayotning, do'stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolati.

Nazokat RASULOVA, Olmazor tumani dagi 261-umumta'lim maktabi o'qituvchisi.

Эълон

2022 yil davomida Tuyamo'yin gidrouzelidan foydalanish boshqarmasining loyiha, kuzatuv va joriy ta'mirlash-tiklash tadbirlarida ishtirok etish istagi bor korxonalar, tashkilotlar maxsus ruxsatnoma rasmiylashtirishlari uchun biometrik pasportga ega ishchi-xizmatchilar, mashinamexanizmlar, materiallar va kerakli asbob-uskunalarining minimal ro'yxatini 30.12.2021 yilgacha (elektron varianti bilan birga) taqdim etishlari mumkin. 2022 yil davomida Tuyamo'yin gidrouzelidan foydalanish boshqarmasining loyiha, kuzatuv va joriy ta'mirlash-tiklash tadbirlarini "dxarid.uzex.uz" saytida kuzatib borishlari mumkin. Manzil: Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani Pitnak shahri. Murojaat uchun telefonlar: 0-362-305-49-06, 0-362-305-47-79, faks: 0-362-305-49-06.

Абдулла Орипов "Ўзбекистон Ватаним маним",
дея баралла куйлай олган улкан қалб ва жасорат соҳибидир



Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги

АБДУЛЛА ОРИПОВ — ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИ КУЙЧИСИ

*Мамлакатимизда
бузунги кунда
адабиёт, санъат
ва маданиятни
ривожлантиришга
алоҳида эътибор
қаратилмоқда.
Адабиёт ривожига
улкан ҳисса қўшган,
ўлмас бадиий асарлари
билан халқ меҳрини
қозона олган шоир ва
адибларнинг қутлуг
ёшлари кенг миқёсда
нишонланаётгани ҳам
фикримиз далилидир.*



Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида ана шундай асарлари орқали миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олган ижодкор — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида шоир номини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, хориқлик меҳмонлар, талабалар, ижодий ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Театр сахнасида ўрнатилган улкан монитorda шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, Ўзбекистон давлат маданиятининг яратилиш жараёни ҳамда юртимизнинг диққатга сазовор масканлари акс эттирилган видеолавҳалар намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид, ТУРКСОЙ халқаро ташкилотининг Марказий Осиё бўйича вакили Хўжағелди Култегин, Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси, Тожикистон

халқ шоири Низом Қосим, Қирғиз Республикаси Миллий Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурлан Қаллибеков, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов ва бошқалар Абдулла Орипов бой адабий меросининг туркий халқлар адабиёти ривожига ўрни ва аҳамияти, улуг шоир шахсияти, жамоат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида сўз юритди.

Абдулла Орипов деганда халқимиз кўз ўнгига ўзининг ноёб истеъдоди ва миллий адабиётимиз ривожига жуда катта ҳисса қўшган улуг ижодкор сиймоси намойён бўлади. Буюк сўз санъаткори мураккаб бир даврда халқимиз орзу-умидларининг куйчиси бўлган жасоратли шоир сифатида майдонга чиқди. Шоир жонанжон юртимизни чексиз меҳр билан "Ўзбекистон Ватаним маним", дея баралла куйлай олган улкан қалб ва жасорат соҳибидир.

Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори шоир номини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида мазкур қарор ижроси юзасидан тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилда "Абдулла Орипов бой адабий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни" мавзусида халқаро илмий-назарий конференция, Адиблар хиббонида Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида "Митти юлдуз жилolari" шеърят беллашуви, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиббонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида шоир ижодига бағишланган турли учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда китобхонлик кечалари ўтказилди.

Шоир асарларини нашр этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2 жилдлик "Танланган асарлар", Абдулла Ориповнинг жамоатчиликка эълон қилинмаган илк шеърлари асосида тайёрланган "Шоирнинг тўғилиши" тўпламлари, Абдураҳим Эркаевнинг "Абдулла Орипов

дахоси", шоир ҳақидаги хотиралардан иборат "Ўзбекистон — дилбар ватаним" ҳамда қорақалпоқ тилида "Оқар дарё", туркман тилида "Сен баҳорни соғинмадингми?", шунингдек, "Абдулла Орипов замондошлари хотирасида", "Менинг Ўзбекистоним" номли ўзбек, рус ва инглиз тилларида китоблари чоп этилди.

Тадбирда Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ўқувчилари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари томонидан атоқли шоир шеърларидан намуналар ўқилди. Элимиз ардоғидаги санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, Ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси томонидан Абдулла Ориповга ҳаёти ва ижодига бағишлаб сахналаштирилган "Йиллар армони" номли спектаклдан парча намойиш этилди.

Тадбир доирасида Абдулла Орипов ижодига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Меҳмонларга "Танланган асарлар", "Менинг Ўзбекистоним", "Ветер моего края" ҳамда "Абдулла Орипов даҳоси" китоблари совға қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов иштирок этди.

Файзулло ЯҲҲЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ТабиаТ ва инсон

БОБОЁНҒОҶНИ СОҒИНДИМ

Икки минг ўн тўртинчи йил ёз ойининг охирларида бир ғуруҳ курсдошлар билан Зоминга саёҳат қилгандик.

Бу сўлим гўшанинг эътиборга сазовор жойларини томоша қилиб бўлгандан сўнг, тоғ бағридан оқиб келади-ган сўлим сой соҳилларидан бирида суҳбат қуриб, дам олдик. Кейин бетакрор манзаралари билан аҳли инсонни қойил қолдирадиган қўриқхона сари йўл олдик. Ҳар қандай кишига ғуруҳ бағишлайдиган виқорли тоғлар, баҳри дилни очиб юборадиган арчазорларни кўриб, она табиат бизнинг чинакам ғамхўримиз эканини ҳис этдик. Чунки, тоғлар бағридаги одам қадами етмаган жойларда ям-яшил бўлиб кўкариб турган хилма-хил арчаларни ва ёввойи мевали дарахтларни, бутасимон ўсимликларни кўл кучи билан экиб, кўкартириш осон иш эмас. Бу мураккаб вазифани табиатнинг ўзи удалаган. Уларни кўз қорачиғида асраш, эъзозлаш бизларнинг инсоний бурчимиз эканини асло унутмаслигимиз керак.

Тоғ ичкарисига кириб борганимиз сари боқари дилмиз очилиб, нафас олишимиз енгиллашиб борарди. Қуюқ ўрмон биз инсонлар учун ўзининг улуг неъматини бўлмиш тоза ҳавоси билан беминнат таъминлаётганига шукрона айтдик.

Қўриқхонага боришдан асосий мақсадимиз, афсонавий улкан Бобоёнғоқни кўриш эди. Тоғ бағрида етти асрдан кўпроқ вақт давомида яшаб келаётган бу дарахт соясидан баҳра олиш, уни кўчиб ҳамсуҳбат бўлиш камдан-кам инсонларга насиб этгани бор гап.

Ниҳоят, Бобоёнғоқ ҳузурига етиб бораётганимизда шаҳсан менинг юрагимда бетакрор ғурурларини ҳисси пайдо бўлди. Баҳайбат танаси ва бақувват мушакларини кўз-кўз қилиб, паҳлавон келбат етти ўғлон каби бир-бири билан елкадош бўлиб кўкка бўй қўзган дарахтнинг ваҳи-

мали қомати ҳаяжонимни ошириб юборди. Ички кўрқув ва ғурур ҳисси билан унга унсиз салом бердим. Танасини оҳиста силаб-сий-палаб, осмонга бўйлашган шоҳлари ўзра кўз югуртирдим. Нақадар виқорли! Нақадар салобатли! Бундан ортиқ таърифлашга ақлим ожиз, тилим лол! Унинг бақувват илдизларига кўч бериб, қувват бериб оқаётган жилға сувидан татиб кўриш менга ҳам насиб этди, ўша кунни. Бу дарахт соясидан, мевасидан не-не инсонлар, балки султонлар баҳрамад бўлмаган жойларда ям-яшил бўлиб кўкариб турган мевали дарахтларнинг орсидан билинар-билинмас кўзга ташланиб турган мевали дарахтларни, бутасимон ўсимликларни кўл кучи билан экиб, кўкартириш осон иш эмас. Бу мураккаб вазифани табиатнинг ўзи удалаган. Уларни кўз қорачиғида асраш, эъзозлаш бизларнинг инсоний бурчимиз эканини асло унутмаслигимиз керак.

Зоминдан қайтганимда, қалбимдаги ҳис-ҳаяжон узоқ вақт тинчлик бермади. Охир-оқибат Бобоёнғоқ ҳақида бир шеър ёзиш иштиёқи туғилди. Ишга киришганимда шууримга ғойибдан сатрлар кўйилиб кела бошлади. Бу азим дарахтга нисбатан билан елкадош бўлиб кўкка бўй қўзган дарахтнинг ваҳи-

Муҳиддин ОМАД



КАМҚОНЛИКДАН ҚАНДАЙ ХАЛОС БЎЛАМИЗ?

Бунда табиий маҳсулотлар организмга ёрдам бериш мумкин. Бунда энг фойдалиси мол гўшти бўлиб, гўштни баланд оловда қовурмаслик лозим (акс ҳолда гўшт таркибидаги темир моддаси сўрилиши қийин шаклга ўтади). Мол жигари ва қайнатилган гўшт ҳам жуда фойдали ҳисобланади. Олма, анор, лавлаги ва сабзили шарбатлар ичиш ҳам кони фойда. Ёнғоқ ва ёнғоқ маҳсулотлари ва асал ҳам шифо бўлади. Таркибида С витамини бўлган цитрус мевалар ҳам тавсия этилади. Аччиқ чой ва қаҳва ичиш тавсия этилмайди. Негаки, уларнинг таркибида организмдан темир ва кальцийни ювиб чиқарувчи моддалар мавжуд.

Ипотека-банк ахборот хизмати

Бугунги кунда Ўзбекистонда банк фаолиятини рискка асосланган ёндашув стратегияси асосида бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



ЎҚУВ-СЕМИНАР: "БАНКДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ"

Ушбу тизимнинг самарали ишлаши учун банкларда "риск маданияти" шаклланди бўлиши, бунинг учун эса барча ходимлар ўртасида асосий рисклар, улар-

ни бошқаришнинг асосий йўналишлари ва инструментлари бўйича тушунчалар бўлиши зарур. Шу мақсадда яқинда "Ипотека-Банк" АТИБ Банк рискларини бошқариш департаменти томонидан банкнинг Бош офис ходимлари учун "Банкда рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда банкда рискларни бошқариш тизимининг халқаро стандартларга мувофиқлиги, кредит, бозор ва ликвидлик рисклари, операциял риск, экологик ва ижтимоий рисклар, банк риск стратегияси тушунирилиб, рискларни бошқаришда қўлланилувчи инструментлар ҳамда риск маданиятининг ходимлар орасида шаклланиши муҳимлиги хусусида батафсил маълумот берилди.

Семинардан қўзланган асосий мақсад, банк фаолиятида ва айниқса, банкнинг

барча актив амалиётлари доирасида илғор хорик тажрибасидан фойдаланган ҳолда рискка асосланган ёндашуви оммалаштиришдир.

Банкда риск маданияти ҳамда риск тушунчаларининг ходимлар орасида оммалаштириш орқали банкнинг потенциал йўқотишларини камайтириш, ноўрин рисклар қабул қилинишининг олдини олиш, банкнинг молиявий соғломлигини таъминлаш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириш учун тизимли тадбирлар амалга ошириб борилиши белгилаб олинди.

Банкда риск маданиятини ошириш ва рискларни бошқаришни самарали ташкил этиш бўйича келгуси йилда банкнинг барча филиалларида интерактив услубда ўқув-семинарларини ўтказиш режалаштирилди.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ — 144. Буюртма Ғ-1247. 1854 нускада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Кабулхона — (0-371) 236-26-50.
Факс — (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар — (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2030-7023



Босишга топширилган вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10

1 2 3 4 5 6